



230105, Nukus shahri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, (998-61) 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

230105, Nókis qalasi, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, (998-61) 226-00-58,
e-mail: m.kurbanov@exat.uz info.mz.rk@ssv.uz

2023 yil "06" 11
№ 166

*1-декабр Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан
тадбирлар ташкил этиш тўғрисида*

КЎРСАТМА ХАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликга қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-14-сон Қарорининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кумитасининг 2023 йил 2 ноябрдаги “1-декабр Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан тадбирлар ташкил этиш тўғрисида”ги 17-8/1801-сонли кўрсатма хатининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг 2023 йил 3 ноябрдаги “1-декабр Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида”ги 01-06/79-сонли кўрсатма хатининг ижросини таъминлаш ва тадбирлар ўтказиш мақсадида:

1. Республикада 1-декабр Бутун Жаҳон ОИТСга қарши курашиш куни муносабати билан “**Соғлом ҳаёт сари биргаликда!**” шиори остида ўтказилиши ва Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказида 1-декабр куни «**Очиқ эшиклар куни**» деб белгилаш;
2. Аҳоли орасида 1-декабр Бутун Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар “**Соғлом ҳаёт сари биргаликда!**” шиори остида ташкиллаштириш, иш режасини тузиш ва ўтказишни таъминлаш;
3. Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан ҳар бир тадбирни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш бўйича маъсул мутахассислар белгилансин, манфаатдор вазирлик ва идоралар, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар ўтказилиши ҳамда ушбу жараёнлар оммавий-ахборот воситалари, ҳамда барча ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилишини таъминлаш;
4. Тадбирларда ОИВ-инфекцияси профилактикасига бағишланган видеоролик, кўргазмалар, материаллар, ахборот тарқатма материалларидан (баннер, буклет, эслатмалар ва бошқалар) кенг фойдаланиш ишлари йўлга қуйиш;
5. ОИВ инфекцияси профилактикасига бағишланган тадбирлар, яъний аҳолининг гавжум жойларида (автовокзаллар, темирйўл вокзали, деҳқон бозори, олий ўқув юртлири, лицейлар, колледжларда, мактаблар, маҳаллалар, ДПМлар ва бошқалар) акциялар ОИВ инфекциясига тезкор текширувларини ўтказиш;
6. 2023 йил 1-декабрь куни «**Очиқ эшиклар куни**» ўтказиш давомида келувчи фуқаролар, ўқувчилар, талабалар ва бошқаларга ОИВ/ОИТС тўғрисида маълумотлар


бериш ҳамда видеороликлар кўрсатиш бўйича мутахассисларнинг белгиланган вақтида тадбирларини ўтказилишини таъминлаш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази бош врачлари Д.Мадреимовага:

Бутун Жаҳон ОИТСга қарши курашиш куни муносабати билан ўтказилган тадбирлар ижроси юзасидан назорат олиб борилсин ва Ўзбекистон Республикаси ОИТСга қарши кураш марказига ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига маълумот берилиши таъминлансин.

Мазкур кўрсатма хат ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари **Қ.Камалов** ва Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази бош врачлари **Д.Мадреимова** зиммасига юклатилсин.

Вазир



М.И.Курбанов